

Уйғониш даврида Европа санъати

*Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илми
ходимми Давранова М.*

Уйғониш даври дейилганда илм-фан, маданият, маърифат ва маънавият юксалган давр тушунилади. Бундай давр дастлаб Ўрта Осиёда IX–XII ва XIV–XV асрларда юз берган. Бу ҳақида бошқа мақолаларимиз орқали билиб олишингиз мумкин. XIV–XVII асрларда Ғарбий Европада ҳам бу ҳодиса юз берди ва у Ренессанс деб аталди. Бу масала билан шуғулланувчи олимлар Уйғониш даврини ўрта асрлар турғунлигидан янги даврга ўтиш босқичи деб баҳолаган. Ғарбий Европада Уйғониш даври ўз-ўзидан юз бериб Уйғониш даври дейилганда илм-фан, маданият, маърифат ва маънавият юксалган давр тушунилади. Бундай давр дастлаб Ўрта Осиёда IX–XII ва XIV–XV асрларда юз берган. Бу ҳақида бошқа мақолаларимиз орқали билиб олишингиз мумкин. XIV–XVII асрларда Ғарбий Европада ҳам бу ҳодиса юз берди ва у Ренессанс деб аталди. Бу масала билан шуғулланувчи олимлар Уйғониш даврини ўрта асрлар турғунлигидан янги даврга ўтиш босқичи деб баҳолаган. Ғарбий Европада Уйғониш даври ўз-ўзидан юз бериб Феодализм жамияти қўйнида илк капиталистик муносабатларнинг таркиб топиши ва ривожланиши Европа ҳаётида янги ва муҳим ўзгаришларга олиб келди. Дин аста-секин ўз мавқеини йўқота борди. Омма диндан узоқлаша борди, шаҳарлар кенгая борди. Уларнинг шиддат билан ўсиб, ривожланиши майда хунармандчиликдан мануфактурага ўтишга сабаб бўлди. Бу шаҳарларда савдо-сотик шу даражада ривожландики, денгиз орқали дунёнинг бошқа бурчаклари билан савдо қилишга талаб кучайди. Янги қитъалар кашф қилинди, бу воқеалар инсонлар тафаккури ва ҳаётга бўлган муносабатларида туб ўзгаришлар ясади. Бу даврдаги тараққиёт жараёни шиддат билан ўсди, унинг

натижасида янги санъат ва янги маданият дунёга келди. Мамлакатлар орасида маданий ҳаётдаги янгиликлар тез туғилди.

Бу тараққиёт даври Европа маданияти тарихида “Уйғониш даври” деб ном олди. Бу иборани илк бор итальян рассоми ва санъатшуноси Жоржо Вазаре томонидан, Жотто ижодига нисбат бериб айтилган эти. Ўрта асрлар давридан сўнг санъат ва адабиётдаги марказий эътибор инсонга унинг ижтимоий ҳаётида тутган ўрнига қаратилганлиги, унинг “уйғонишлигини” белгиси эди.

Кейинчалик кенг мазмун касб этган бу ибора Италиядан ташқари Европанинг бошқа мамлакатларига уларнинг феодализм давридаги кейинги санъат ва маданиятларини таърифлашда бошланди.

Уйғониш даврида италия санъати ва маданияти узоқ давом этган, ўз ҳаракатларини тўлиқ намоён этиб, қатор тараққиёт босқичларини бошидан кечирди.

Албатта бу давр барча Европа малакатларида турлича кечди. Масалан, Германия сўнгги уйғониш, Нидерландия эса юқори уйғониш даврини бошларидан кечирдилар. Уйғониш даври инсоният тараққиётидаги муҳим давр, муҳим босқич, яъни инсоният ўз бошидан кечирган ўзгаришлар ичида энг буюк прогрессив ўзгариш эди. Натижада улар чин маънода халқчил асарлар яратдилар, халқ оммасининг орзу-истакларини, ҳис-туйғуларини ифодалаб чиқдилар, илғор гуманистик ғояларни кўтариб чиқдилар. Шу боисдан ҳам бу давр гуманизм асри, деб ном олди. Бу лотинчада инсонийлик, инсонпарварлик, деган маънони билдиради. Уйғониш даври маданияти антик дунё маданиятидан илҳомланди, Антик дунё ёдгорликларини кунт билан ўрганди, улардан таъсирланди. Антик дунё ёдгорликларининг Италияда кўплаб сақланиб қолганлиги бунга жуда яхши имкон яратди. Лекин антик санъатдан фарқли равишда улар қуллар сажда қилган худолар деб улардан шу йўсинда эмас, балки ўз фикрларини, ҳис-туйғуларини, тушунчаларини ифодалашда фойдаландилар. Гўзаллик ва гармонияни реал воқеликдан қидириш, реал воқеликдан кенг фойдаланиш

шу давр тараққийетининг мезонини белгилади. Ўаёт реал ҳодиса деб тан олинди. Санъаткорлар реал воқеликни тасвирлашда янги қонун ва қоидалар изладилар. Асарлар таъсирчанлигини ошириш мақсади кўп соҳалар билан ҳамкорликда ишлашни тақозо этди. Перспектива, рангшунослик, соя ва ёруғ, одам анатомияси ва шунга ўхшаш соҳаларда катта ютуқлар қўлга киритилди.

Меъморчилик ва амалий санъатда янги тенденциялар ривожланди. Шу билан бирга қадимги анъаналар ўзлаштирилиб, улар янги мазмун билан бойитилди. Унда янги конструкциялар вужудга келди. Ибодатхоналар билан бир қаторда кўп қаватли ва шинам бинолар қад кўтара бошлади. Биноларнинг ташқи ва ички кўринишларини безаш, улар ичидаги фазони ташкил қилиш масаласида анча ютуқларга эришилди. Бу қилинган ишлар кейинги Европа санъатида кўпроқ аҳамиятга эга бўлди. Уйғониш даврининг ўзига хос томонлари проторенесанс даврида дастлаб италия рангтасвирида ўзини намоён қилди. Ижодкорлар диний мавзуда ишланган деворий суратларда реалистик мазмунни илгари сура бошладилар. Инсонлар орасидаги муносабатлар, муҳаббат, олижанобликни, разиллик, худбинликка қарши қўя бошладилар, воқеликнинг реал тасвирини яратишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг асарларида уйғониш даври реализмининг ўзига хос томони ҳаётий муаммоларни кўпинча диний ниқоб остида, диний мифологик образлар орқали бериш ҳолларини учратамиз. Уйғониш даври санъаткорлари ижодида инсонлар ҳаёти, инсон бахт-саодат яратувчиси ва озодлик учун курашчи эканлиги асосий мавзу бўлиб қолди. Инсонни ўз асарларида шундай куйлаган санъаткорлардан бири, илк уйғониш даврининг йирик вакили Донателло бўлди. Унинг “Давид” деб номланган ҳайкали уйғониш даврида биринчи марта либоссиз ҳолда тасвирланган ҳайкал бўлди. “Отдаги Гаттамеллатти” ҳайкали эса жамоатчиликка манзур бўлган инсонни улуғлаш йўлидаги биринчи отлик ҳайкал эди. Инсонни куйлаш, унинг қаҳрамонлиги, ақл-заковатини улуғлаш уйғониш даврида портрет санъатининг қайтадан туғилишига олиб келди. Портрет санъатида

ифодаланадиган инсондаги нозик ҳис-туйғулар ўзининг бутун борлиғи билан уйғониш даврининг буюк санъаткорлари Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Микеланжело, Тициан, Джорджоне ижодида ўз ифодасини топди. Она, оналик меҳри улуғланди. Бу ўринда Леонардо да Винчининг “Мадонна»си ва машҳур “Моно Лиза” портретини, Рафаэль Сантининг “Сикстин Мадоннаси”, Микеланжелонинг ҳайкаллари ва деворий суратларини, Тицианнинг инсон жисмоний гўзаллигини тараннум этувчи полотноларини эслатмай ўтиш мумкин эмас. Бу асарлар ренессанс даври кишиларининг идеали ўзининг тўлиқ образли талқинини топди. Уйғониш даврида меъморлик ва декоратив амалий санъат борасида ҳам катта ютуқларга эришилди. Шу даврнинг йирик меъморлари Ф. Брунеллески, Леон Альберти ижодида ўз ифодасини топди. Улар яратган асарлар Европа меъморлиги санъатининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. Улар меъморлик санъатига албатта катта ҳисса қўшдилар.

Адабиётлар:

1. Алпатов М.В. Художественные проблемы итальянского Возрождения. М., 1975 г.
2. Ротенберг Е.И. Искусство Италии эпохи Возрождения. М.1974 г.
3. Архив.уз